



# HURRIYAT

O'zingni angla!

Mustaqil gazeta

2018-yil 10-yanvar, chorshanba \* № 2 (1065) \* 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan \* Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz \* www.hurriyat.uz

## “ЖАННАТНИ ИЗЛАБ, ДЎЗАХНИ ТОПДИМ”

Афсуски, Исмат бу йўл билан бой бўлишга улгурмади. Юртига қайтиши билан кўлга олиниб, тегишли жазога тортилди. Панжара ортида қолган биринчи кунидек шундай туш кўрди: дурадгорлик асбоблари худди тирик одамдек уни қувиб юрганмиш. ➔ 3-бет

## ЁЛФОННИНГ ҚУРБОНЛАРИ

Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда. Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. ➔ 5-бет

## Нега ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги фильмларимиз жаҳон даражасида эмас?

Бизда билимли, савияли, тажрибали режиссёрлар ёки маҳоратли актёрлар йўқ десак, ижодкорларимиз маҳоратини шубҳа остига олган бўламиз. Тарихимизнинг шонли, мураккаб даврларини билмайдиган адиб ва тарихчиларимиз етишмайди дейиш ҳам нотўғри. Хўш, унда нима қилмоқ керак? ➔ 6-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 5 январь кuni Тошкент вилоятида амалга оширилаётган ислохотлар, бунёдкорлик ишлари билан танишди.

9 январь кuni Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуни матбуотда эълон қилинди.

Ўзбекистон ва Туркменистон Республикалари ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга Туркменистон Республикаси Президенти Гурбангули Бердимухамедов самимий ва эзгу тилаклар битилган мактуб йўллади.

3 январь кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Вазирлар Маҳкамаси комплекслари фаолиятини таҳлил қилиш ва янги устувор вазифаларни белгилашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Миллий антидопинг агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорни имзолади.

## 14 январь — Ватан ҳимоячилари кuni



## ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ


Тарихдан маълумки, ҳар қандай давлатнинг мустақиллиги, халқнинг эрки ва тинчлиги унинг ўз армияси, Қуролли Кучлари томонидан ҳимоя қилинади. Мустақиллигини, тинчлигини асрай олган давлатгина барқарор ривожланади, тинчлик, хотиржамлик, оқсоғиталик қарор топган мамлакат гуллаб-яшнайд.

Шу боис истиклолимизнинг дастлабки кунларида — 1991 йил 6 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. 1992 йил 14 январь кuni эса мустақил давлатимиз тарихида яна бир муҳим қадам қўйилди. Шу кuni мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларини Ўзбекистон юрисдикциясига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қуролли Кучларнинг мамлакат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, халқимизнинг тинчлиги ҳамда бунёдкорлик меҳнатини ҳимоялаш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамиятини инобатга олиб ҳамда мамлакатимиз ҳудудидаги ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг давлатимиз тасарруфига ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг

1993 йил 29 декабрда қабул қилинган қонунга биноан 14 январь Ўзбекистонда Ватан ҳимоячилари кuni деб эълон қилинди.

Ўтган йиллар мобайнида юртимизда давр талаби ва жаҳон андозаларига жавоб берадиган Қуролли Кучларни барпо этиш, мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, барқарор ва изчил демократик тарраққиётимизнинг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш йўлида кенг қўлмали ишлар амалга оширилди.



## ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги “ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ ЭНГ САРА ЙИГИРМА АСАРИ” мавзусида бадиий асарларни ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилиш бўйича танлов — ижтимоий лойиҳасини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мамлакатимизда китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, ўзбек ва дунё адабиётининг энг сара намуналарини интернет тармоқларига жойлаштириш ва уларни тартиб қилиш ҳамда кенг китобхонлар оmmasига етказиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармон ва қарорлари бу боралаги ишлар қўламини янада кенгайтириш ва янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Маъмурий ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги дунё тафаккури, маданияти, маънавияти ва маърифатининг юксалишига катта ҳисса қўшган буюк аждодларимиз ва замондош адиблар асарларини янада кенгроқ тарғиб этиш, ўзбек миллий адабиёти воситасида мамлакатимизнинг жаҳон маданиятидаги нуфузини янада юксалтириш мақсадида “ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ ЭНГ САРА ЙИГИРМА АСАРИ” мавзусида бадиий асарларни ўзбек тилидан чет тилига таржима қилиш бўйича танлов — ижтимоий лойиҳасини эълон қилади.

Танлов 2018 йилнинг март ойига қадар давом этади. Зарур ҳужжатлар ва бадиий таржима асарлардан намуналар 2018 йилнинг 25 февралигача қабул қилинади.

Танлов шартлари: Танловга муқаддам чет тилига таржима қилиниб, чоп этилган асарлар тақдим этилади (5-10 варақдан кам бўлмашлиги керак).

Таржимоннинг чет тилига бадиий таржимаси нашр этилмаган бўлса, у ҳолда ўзбек тили-

даги бадиий асардан 5-10 саҳифа ихтиёрли равишда чет тилига ўгириб жўнатиши керак. Бадиий таржима асарлар асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қўйиладиган илова қилиниши лозим: муаллиф ҳақида маълумотнома (объективка); муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари; паспорт нусхаси.

Танловнинг яқуний натижаси: Танловнинг яқуний натижаларига кўра, “Ўзбек адабиётининг энг сара йигирма асари” танлови ғолиблари билан Агентлик тизимидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари томонидан белгиланган тартибда шартномалар имзоланади ва таржимонлар томонидан ўзбек тилидан чет тилига ўтирилган бадиий асарлар учун қалам ҳақи тўланиши кафолатланади.

Шунингдек, ғолиб таржимонлар Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги қўшида ташкил этилган “The book of the Sun” халқаро таржимонлар маркази аъзолигига қабул қилинади. Ғолиблар ҳақидаги маълумотлар оммавий ахборот воситалари ҳамда www.api.uz веб-сайтида ёритилади.

Материаллар “Ўзбек адабиётининг энг сара йигирма асари” танлов — ижтимоий лойиҳасига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги 2-қават.

Телефон: 244-23-72, электрон манзил: info@api.uz www.api.uz

Тазета ўқишга узоқни кўра олмайди!

Ўқинг, баҳра олинг ва уни дўстларингизга ҳам ҳадя этинг. “Hurriyat” да чоп этилган материаллар билан www.hurriyat.uz сайти орқали ҳам танишишингиз мумкин.



“HURRIYAT” ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!

## »СОҲАГА ХОЛИС НАЗАР БИЗ ҚАНДАЙ ЖУРНАЛИСТМИЗ?!

Гапнинг индаллоси шуки, журналист учун Вақт ҳамиша қадрли бўлган. Ундан унумли фойдаланилмаган сониялар бой берилган ҳисобланади. Хабарнинг харидори кўп. Шунинг учун журналист дақиқаларни ҳам ниҳоятда қадрлаши керак. Ўз вақтида етказилган хабарнинг эгаси бўлган журналист майдондан ғолиб чиққан пахлавонга ўхшайди. Бу битта масала. Иккинчиси — журналистиканинг кучи ҳамиша тўғри сўзда. Ҳамма гап уни қандай айтишда. Қулоққа тош тикмаслик керак. “Яхши гапга илон ҳам инидан чиқади” дегани айнан журналистикага тааллуқли, десак хато қилмаймиз. Сўзни эшитган одамнинг кўнглида инсоф, диёнат эшикларини очиладиган даражада айтишга бугун эҳтиёж катта.

Миллий журналистикамизни жаҳон журналистикаси билан солиштирганимизда айбларимиз яққол кўзга кўриниб қолади. Энг аввало фарқимиз ялқовлигимизда. Ишхонада вазифасини ўтаб, уйга қайтгач, қайси касбга дахлдор эканини унутиб яшайдиган ҳамкасбларимиз ҳам йўқ эмас. “Биз ундай эмасмиз”, дея олдиндан болта кўтариб чиқадиغان ҳамкасблар шошмай туриш-

син. Тан олишимиз керак, биз ҳалигача соҳанинг илғори, ташаббускори, унинг ҳимоячисига керак даражада айлана олганимиз йўқ. Ҳар бир журналист касби-мизнинг обрўсини оширишга хизмат қилиши, лозим бўлганда уни ҳимоя қилиши шарт. Ҳозирча бизни бошқа касб эгалари номига, даврасида иштирок этаётганимиздагина ҳурмат қилишади. Бунга ўзимиз сабабчи. Касбимиз обрўсини шу даражага тушириб қўйдик. Аниқроғи, ўз мухлисларимизни қаноатлантирадиган, излаб ўқийдиган журналистик асарларни яратолаётганимиз йўқ. Агар биз касбимизни мукамал эгаллаганимизда жамятдаги буғунги нуқсонлар — порахўрлик, таниш-билишчилик, маҳаллийчилик, одам савдо-си, фоҳишабошлик, гиеҳван-длик, бир сўз билан айтганда, коррупция туп қўйиб, палак ёймаган бўларди. Ҳар бир жиноятнинг ортида инсон омили мавжуд. Биз эса уларнинг башарасини очиб бера олмаймиз. Жаҳон журналистикасида бундай эмас. Қўлидан микрофонини юлиб, отиб юборишган тақдирда ҳам вазифасини бажаришдан қайтмайди. Ёки жонини таҳликага қўйиб бўлса-да, бурчини ўтаб қайтади. Буларнинг барчасидан шу пайтгача кўз юмиб келаётганимиз бизнинг мурасоэлигимизнинг аччиқ меваларидир.

4-бет

# ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИНГ

## ▶ ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

Мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар самарасида давлатимиз суверенитети, юртимиз тинчлиги ва халқимиз озоишталигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли даражада таъминлашга қодир миллий армиямиз шаклланди. Унинг салоҳияти тобора мустаҳкамланиб, Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш ёшларимиз учун юксак шон-шараф ишига айланди.

## ОТА-ОНАМНИНГ ИШОНЧИНИ ОҚЛАЁТГАНИМДАН ФАХРЛАНАМАН

**Б**ухоро давлат университетидида “Менинг дўстим — Ватан ҳимоячиси” шиори остида 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 26 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирда бу алоҳида таъкидланди.

Ёшлари ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсади қўзланган ушбу телемулоқотда пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган бухоролик йигитлар ҳамда Бухорода ҳарбий хизмат ўтаётган Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти ёшлари ота-оналари ва дўстлари билан дийдорлашди.

Тадбир ошқора, дилкаш, самимий суҳбат тарзида ўтди. — Армия барча тенгқурларим каби менинг учун ҳам жасорат ва тарбия мактаби вазифасини ўтамоқда, — дейди Тошкентда хизмат қилаётган бухоролик йигит Соҳиб Дилмуродов онаси Махлиё Лукмонова билан суҳбатда. — Ҳарбий қисимимизда хизматни аъло даражада ўташимиз учун барча шароит яратилган. Сиз ва отамнинг ишончларингизни оқлаётганимдан фахрланаман. Ҳадемай, муддатли ҳарбий хизмат тугайди. Лекин шартнома асосида фаолиятини давом эттираман.

— Дўстим, сен анча улғайибсан, — дейди унинг дўсти Мираабек Тошев. — Эгинингдаги ҳарбий кийимни кўриб, очиги, ҳавасим келди. Насиб этса, жорий йилда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ҳужжат топшираман.

Мулоқотда Бухорода ҳарбий хизматни ўтаётган Мирзаакбар Муҳаммаджонов, Ахрорбек Сотимбоев, Гайратулло Қудратов ва бошқалар ҳам яқинлари билан мулоқотда бўлди, армия улар ҳаётида муҳим из қолдирганини таъкидлади.

Маросимда Бухородаги ҳарбий қисмларда конституцион бурчини ўтаётган йигитларга “Махалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими томонидан бадиий китоблар совға қилинди.

Тадбир давомида янграган куй-қўшиқлар даврага байрамона шуқуҳ бағишланди.

**Э.ЁДГОРОВ, УзА мухбири**

Мамлакатимиз геостратегик жойлашувининг ўзига хослиги, шунингдек, минтақада вужудга келаётган ҳарбий-сиёсий ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, Қуролли Кучлар бирлашмаларининг вазифа ва тузилмалари қайта кўриб чиқилди. Миллий гвардия барпо этилди, армияни янги қурол-аслаҳа ва замонавий ҳарбий техника билан таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мудофаа санати бўйича давлат қўмитаси тузилди. Ҳарбий кадрлар тайёрлаш соҳасида олиб борилаётган тизимли ўзгаришлар асосида Қуролли Кучлар академиясининг фаолияти тубдан қайта ташкил этилди.

Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оилалари ва фахрийларни иқтимоий ҳимоя қилиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2017 йилда ҳарбий хизматчилар учун 56 та кўпқаватли уй барпо этилди ва бу ишлар келуси йилда янада катта ҳажмда давом эттирилиши таъкидланди.

Қуролли Кучларни замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар билан таъминлаш учун Мудофаа-саноят комплексини шакллантириш ва ривожлантириш давлат дастурини қабул қилиш вазифаси белгиланди. Ушбу дастур давлатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, армиямизнинг жанговар қудрати ва салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади.

Миллий армиямизни барпо этиш жараёнида Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиш тарихи билан узвий боғлиқдир. Шу маънода, 14 январь санасини фақат ҳарбий хизматчилар эмас, умум-халқ байрами сифатида қабул қилишимиз, уни энг улуг, энг азиз айёмлардан бири сифатида юксак даражада нишонлаётганимиз бежиз эмас.

*Ватан туйеуси, Ватан ҳимояси тушунчаси шундай азиз ва улуг неъматки, ҳаёт йўлларида, оғир ва машаққатли синовларда бизга ҳамisha куч-қувват баҳи этиб, мардлик ва жасоратга даъват этади. Она ватанимиз Ўзбекистонимизни кўз қорачиқидек асради, унинг шавну шарафини ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.*

**Тулқин КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси**



## ишончли кафолати

зилмаларнинг ҳаракатчанлиги, тезкорлиги ва жанговар қобилиятини ошириш имконини берди.

Мамлакатимиз ҳудудига суқилиб қирадиган ҳар қандай таъжовуқкор босқинчига қарши қатъий зарба беришга қодир бўлган Махсус операцияларнинг амалга оширадиган кучлар, Террорчиликка қарши курашиш корпуси бўлинмалари ва бошқа замонавий жанговар бўлинмалар ташкил этилди ва уларнинг фаолиятини кучайтириш давом эттирилмоқда.

Бугун Армияда хизмат қилишнинг нуфузи баланд. Йигитларимиз учун ҳарбий соҳада хизмат қилиш, нафақат фахрли бурч, балки юксак шон-шарафга айланди. Барча ота-оналар ўз фарзандлари вояга етгач, унинг Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилишини ниёт қилишади. Чунки замонавий жанговар техника қуролларини мукамал эгаллаган йигитларимиз миллатнинг, юртининг ифтихори бўлишаётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан биринчи марта мамлакатимиз пар-

ламенти — Олий Мажлиса тақдим этилган Мурожаатномада мудофаа ва ҳавфсизлик масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз жаҳонда кескин иқтисодий рақобат, ахборот хуружлари, террористик таҳдидлар тобора кучайиб бораётганлиги. Дунёнинг турли жойларида, айниқса, Яқин Шарқ минтақасида қонли тўқнашув ва низолар давом этаётгани, бундай нотинч кескинлик ўчоқлари қайта-қайта кўпайиб бораётганлигини таъкидлаб, ана шундай таҳликали вазиятни ҳисобга олган ҳолда, биз юртимизда тинчлик-озоишталикни мустаҳкамлаш, турли ҳавф-хатарларга қарши курашиш бўйича фаолиятимизни хар томонлама кучайтиришимиз шартлиги — замон талаби эканлигини айтиб ўтдилар.

Шу ўринда яна бир муҳим масала — мамлакатимиз мудофаа тизимининг ташкилий тузилмаси, унинг ҳарбий-жанговар ҳолати, аскар ва офицерларнинг маънавий ва руҳий тайёргарлик даражаси бугунги тез ўзгараётган давр талабларидан келиб чиқиб ислоҳ қилинишини қайд этиш лозим.

## ▶ ХАБАРЛАР

Кўчада бирор ҳарбий ўтиб қолса борми, барча болажонлар унга ўзгача ҳавас билан боқади. Қанийди, мен ҳам ҳарбий бўлсам, деб орзу қилади. Шу боис ҳам бугун ҳарбий-ватанпарварлик бўйича ташкил этилаётган тадбирда асосан ёшлар ва болажонлар кўпроқ иштирок этмоқда.

## БОЛАЖОНЛАР ДАВРАСИДА

Термиз шаҳридаги 12-мехрибонлик уйда ҳарбийлар иштирокида яна бир шундай байрам тадбири ўтказилди.

— Болалар қувончига шерик бўлиш, киши қалбини янада поклайди, — дейди кичик сержант Сирожиддин Бозоров. — Жаҳжи қалб эгалари билан эртақлар ҳақида, болажонлар қалбидаги орзу-истаклар, келажакда қандай касб эгаси бўлиши тўғрисида суҳбатлашдик. Худди болалиқнинг беғубор дамларига қайтгандек бўлдим. Қўллаб саволларидан билсак бўладики, уларнинг ҳарбий бўлишга иштиёк баланд. Кузата туриб, бундай учрашувларни тез-тез ташкил этиш керак экан, деган фикрга келдим.

— Ҳарбий акаларимдан совғалар олдим. Уларга Ватан ҳақидаги шеъримни айтиб бердим. Бундан жуда мамнун бўлишди. Аскар бўлиш учун аъло баҳоларга ўқишга, спорт билан мунтазам шуғулланишга ваъда бердим, — дейди мехрибонлик уйи тарбияланувчиси Сардорбек Абдувалиев.

Тадбир сўнгида ҳарбий хизматчилар томонидан болажонларга ўзбек халқ эртақлари, миллий ва жаҳон болалар адабиётига доир китоблар ҳамда эсдалик совғалар улашилди.

Саҳифани Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати билан ҳамкорликда Х.МАЪРУФ тайёрлади.

## БАРЧАГА ҚУВОНЧ УЛАШГАН ВИДЕОМУЛОҚОТ



Миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш эр-йигитлар учун шарафга айланган бугунги кунда Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислохотлар, ҳарбий хизматчилар учун яратилаётган имкониятлар эътирофга лойиқ. Чунончи, аънавий тарзда ўтказиб келинаётган “Менинг дўстим — Ватан ҳимоячиси!” каби видеомулоқотлар аскар ва унинг ота-оналари, дўстларига бир олам қувонч улашиш баробарида, ёшлар ўрта-сида ҳарбий соҳага бўлган ҳурмат ва эҳтиромни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.



Тошкент гарнизонида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар учун Тошкент шаҳар ҳокимлигида ташкил қилинган видеоконференцияда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, Республика Ёшлар иттифоқининг Тошкент шаҳар кенгаши вакиллари, масъул офицерлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ватанпарварлик мавзусидаги бадиий чикишлардан сўнг ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар ва уларнинг яқинлари ўртасида видеомулоқот уюштирилди.

— Бугун биз аскарлар учун яна бир қувончли кун, — дейди олдин аскар Сандохил Ҳасанбоев. — Ушбу видеомулоқот тўғрисида ўз уйимда юргандек бўлдим. Чунки ота-онамиз, яқинларимиз билан бир-биримизни кўриб, суҳбатлашдик. Уйдагилар яқинларни хол-ахволини, маҳалладаги янгиликлардан бохабар бўлдим. Ота-оналаримиз ҳам хизматдаги янгиликлардан эришаётган ютуқларимни эшитиб хурсанд бўлишди.

### Бошланғич 1-бета

Аввало, ҳарбий соҳа ислохотлари билан боғлиқ стратегик мақсадларга эришишнинг муҳим ҳуқуқий пойдевори бунёд этилди. Мамлакатимиз Конституциясининг 52-моддасида “Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчи” эканлиги алоҳида белгилаб қўйилди. Асосий қомусимизда, шунингдек, Ўзбекистон Қуролли Кучларининг ҳуқуқий мақоми ҳам аниқ белгилаб берилган бўлиб, унга кўра Қуролли Кучлар Ўзбекистон суверенитети ва ҳудудий яқлителиги, республикамиз аҳолисининг осуда ҳаёти ва ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилиши қайд этилди. Шунингдек, “Мудофаа тўғрисида”, “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонулар Қуролли Кучларимиз ташкилий асосларини ўзида мужасам этди.

Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш бўйича ўз вақтида қабул қилинган дастурга мувофиқ амалга оширилган кенг қўламли ишлар замонавий талабларга жавоб берадиган миллий армиямизни шакллантириш ва бошқаришнинг сифат жиҳатдан муқола янги тизимга ўтиш борасида муҳим кадам бўлди. Қисқа вақт ичида ҳарбий округлар, чегара ҳудудлари ва махсус операцияларга ихтисослаштирилган қисмлар тузилди.

Миллий армиямизни босқичма-босқич ва тизимли равишда шакллантиришда, аввало, ҳавфсизлигимизга қарши қаратилган жиддий таҳдид ва хатарлар, айниқса, халқаро терроризм, экстремизм, наркотерроризм, омвий кийриш қуролларининг тарқалиши каби балоказолар ҳисобга олинди.

Қуролли Кучларимиз ва уларнинг асосий жанговар бўлинмаларининг принципал жиҳатдан янги ташкилий-таркибий тузилмаси жорий этилди, бошқарув ва тузилмаларнинг бир-бирини тақрорлайдиган, кам самарали бўғинлари тугатилди. Бу эса, ўз навбатида, мазкур бошқарув ва ту-

## ЧЕМПИОНЛАР ҲАРБИЙ БИЛИМ ЮРТИДА

Бугун юртимизда ўзгача байрам шуқуҳи кезмоқда. Чунки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни республикамиз бўйлаб кенг нишонланаётир. Шу муносабат билан барча вилоят ва туманларда ватанпарварлик мавзусида турли учрашувлар, анжуманлар, давра суҳбатлари уюштирилмоқда.

Ана шундай давра суҳбатларидан бири “14 январь — Ватан ҳимоячилари куни” муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий-техник институтидида бўлиб ўтди. Унда институт курсантлари, таниқли спортчилар — Олимпияда ғолиблари Ҳасанбой Дўстматов, Шаҳобиддин Зоиров, Осид чемпионлари Жасурбек Латипов, Санжар Турсунов, Исроил Мадримов, Икболжон Холдоров, Баходир Жалоловлар иштирок этди. Тадбирни таълим муассасасининг Ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбия ва ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи подполковник Улугбек Бўтаев очиб берди.

Очик мулоқот тарзида ўтган тадбирда, институт курсантлари ва боксчилар дилдан суҳбат қуришди.

— Мен қайси халқаро мусобақада рингга қўтарилсам, бир неча лаҳза ичида жуда кўп нарсга ҳаёлимдан ўтади, — дейди машҳур боксчи Ҳасанбой Дўстматов. — Аввало 32 миллион юрдошимиз, кейин ота-онам, барча яқинларим, устозларимни ўйлайман. Кўз ўнгимда жонжон юртимиз — Ўзбекистон Республикасининг харитаси намоён бўлади. Бу менга икки қарра куч ва ғайрат бахш этади. Албатта, спортда ҳар доим ҳам рақибингни ютиб чиқармайсан, аммо энг муҳими, кўнгил ғолиблигидир. Инсон ҳаётда руҳан ғолиб бўлиши керак. Ватанга бўлган муҳаббат кишига юксак ишонч ва фахр туйғусини бағишлайди.

— 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан институтимизда кўплаб тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

# Интернет тезлиги тараққиёт тезлигидир

## ▶ МЕНДА ФИКР БОР

Хар ким яхши яшашни, тўкин ҳаёт кечиришни истайди. Бунинг учун эса тинимсиз меҳнат қилиш, изланиш керак. Бугунги кунда фаровон ҳаётнинг энг яхши йўли бу тадбиркорликдир. Ҳам ўзингни, ҳам Ватанингни обод бўлишига ҳисса қўшасан. Шу боис ҳам бугун юртимизда тадбиркор бўламан деганлар учун кенг имкониятлар яратилган. Бундай шароитлардан унумли фойдаланиб, ўз бизнесини бошлаганлар орамизда бисёр.

**Т**аъкидлаш кераки, сўнгги йилларда халқимизда ишбилармонликка бўлган қизиқиш кучайиб бормоқда. Ишлаб чиқариш, ёки хизмат кўрсатиши, бизнеснинг қайси йўналиши бўлмасин, яхшигина рақобат мўҳити мавжуд. Бу соф рақобат эса юртимиз тараққиётига хизмат қилмоқда. Албатта буларнинг барчаси тадбиркорларга яратилган кенг имкониятлар мевасидир. Жорий йил Юртимизнинг томонидан тадбиркорларни янада қўллаб-қувватлаш ва аҳоли ўртасида инновацион муҳитни шакллантириш мақсадида Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб эълон қилинди. Бу эса ҳар бир кишини янги гоёлар устида ишлашга янада жалал ривожланишга ундамоқда.

Ҳуш, йил номидан келиб чиқиб, унга тадбиркорларнинг муносабати қандай? Шуни билиш мақсадида айрим ишбилармонларнинг фикри билан қизиқдик. Дунё шиддат билан тараққий этиб бораркан, бунда инновацион технологияларнинг ўрни беқисс. — дейди тадбиркор «POINT OF SALE SYSTEMS» МЧЖ раҳбари Б. Исмаилов. — Бугун юртимизда ҳам инновацияларни кенг жорий этишга жиддий эътибор берилмаётган. Инновацион технологияларни қўллаб тадбиркорлик қилиш бу электрон тижоратни ривожлантириш деганидир. Жаҳоннинг ривожланган давлат-

соат 16 дан кейин ишнини тўхтатиб қўйишди. Агар жума кунини соат 16:00 гача улгурмасанг, икки кун вақт йўқотасан ва душанба кунини ишинг битади. Бу эса бизнесингга оз бўлса да салбий таъсир этади. Чунки хусусий тадбиркорларнинг аксарият қисми дам олиш кунлари ҳам ишлайди. Олди-сотди қилади. Шунинг учун молиявий хизмат кўрсатиш тизимларини такомиллаштириш, замон билан ҳамнафас бўлиш вақти етди, назаримда.

Яна бир тақлифим, бу айнан йил билан боғлиқ. Бугун инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлашга ҳукумат миқёсида жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада янги марказлар ва Инновацион ривожланиш вазирига ҳам иш бошлади. Мана шу марказлар қўшида ИТ соҳасидаги бизнес йўналишларни ўқитиш, инновацион лойиҳалар ва консалтация маркази фаолияти йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Шунингдек бу марказлар тадбиркорга инновацион бизнес лойиҳаларни ишлаб чиқиш, уни амалиётга жорий этиш учун ишбилармонлар билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйса, ўйламанки барчага фойдали бўлади. Бир нарса аниқки, бугун сармоюдор тадбиркорларимиз кўп. Аммо улар айнан кунда ИТ соҳасида қандай иш юритиб, бизнес қилишни, интернет орқали пул топиш йўлларини билишмайди. Жаҳон тажрибаларидан келиб чиқиб, мазкур йўналишлар ўқув дастурига киритилса, бу тез орада ўз самарасини беради.

*Энг асосийси, бу каби ўзгаришлар фақат пойтахт ёки вилоят марказларида эмас, республикамизнинг барча ҳудудларида жорий этилсагина қўлланган мақсадга эришиш мумкин.*

**Бобур МУҲАММАДИЕВ** тайёрлади.

## ▶ ХУДУДЛАРДАН ДАРАКЛАР

Самарқандда Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси Республика кенгаши томонидан касабаси фаоллари иштирокида амалий ўқув бўлиб ўтди. Кенгашнинг барча вилоятлар бўйича масъуллари қатнашган семинарда Самарқанддаги таълим, фан ва маданият йўналишида фаолият олиб бораётган корхоналарнинг бошланғич касабаси уюшма ташкилотлари фаолияти ўрганилди.

## Самарқанд тажрибасини ўрганишди

Хусусан, семинар иштирокчилари «Зарафшон» ва «Самарқандский вестник» газеталари бирлашган таҳририятда бўлиб, бу ерда ишчи ходимлар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди. Семинарда Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши раиси Р.Бедлов, вилоят касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси С.Рафиков ва бошқалар сўзга чиқиб, бошланғич ташкилотлар фаолияти, таъкидотларда касабаси уюшмаси ҳамда иш берувчи ўртасида тузилаётган жамоа шартномаларининг аҳамиятига тўхталди.

Муассасаларда ишлаш учун ходимларга яратилган шарт-шароитлар иш унумини оширади, — дейди Республика кенгаши раиси ўринбосари Ш.Жабборов. — Бунда иш берувчининг ҳозиржавоблиги билан бошланғич касабаси уюшмасининг ҳам ўз ўрни бўлиши лозим. Таҳририятда ходимлар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишар эканмиз, бу борада иборат бўлувчи жиҳатлар кўп экан. Хусусан, спорт залиннинг мавжудлиги, санитария қондаларига талаб берувчи ошхона фаолияти бунга мисол бўла олади.

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши томонидан таҳририятнинг бир гуруҳи фаол ходимларига фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, семинар иштирокчилари Самарқанд шаҳридаги 21-умумтаълим мактабининг бошланғич касабаси уюшма ташкилоти фаолиятини ўрганишди. Самарқанд давлат чети тиллар институтида Республика кенгаши раёсатининг ўзинчи йилиги бўлиб ўтди.

**Гулрух МҮМИНОВА,** Самарқанд шаҳри



## ШИЖОАТ ВА НАФОСАТ УЙҒУН

### ▶ «ЙИЛ АЁЛИ — 2017»

Тадбиркор аёл, фермер аёл, хунарманд опасингилларимиз... Оғизнинг бир четидан чиқиб кетадиган оддийгина жумлалар. Аналик, аёллик, бекалик бурчу вазибаларидан ортиб, шундай даражага эришиш осон кечармишимиз? Албатта, қийин. Лекин ёнида суюнган тоғлари — уни тушунадиган умр йўлдоши, қариндошлик меҳри ила қўллаб-қувватлайдиган ака-укалари, унга ишонадиган оиласи бор экан, аёлнинг худдаламайдиган юмуши, сабт эса олмайдиган марраси бўлмайди.

**Б**угун жамиятимиздаги деярли барча соҳаларда жавлон уриб меҳнат қилаётган аёллар кўп. Бири спорт мусобақаларида иштирок этиб, халқаро майдонларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилаётган бўлса, яна бири далага уруғ сочиб, жондек азиз еридан жон озиғи — турли қишлоқ ўжа-жак авлод тарбияси учун ўзини масъул билиб, бу йўлда собит-қадам изланишда давом этмоқда, бошқа бирови ўз эҳди, ақл-заковати билан давлат бошқарув органларида жонбозлик кўрсатмоқда. Бундай опасингилларимизнинг ши-жоатлари таҳсинга лойиқ.

Маълумотларга қараганда, айни пайтда иқтисодиётимизнинг турли тармоқларида фаолият юритаётганларнинг 45 фоизи аёллардан иборат. Фермер аёллар сони эса 1500 нафардан ортиқ бўлиб, истиқбол йилларида уларнинг 3 нафари «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлди. Минглаб аёллар миллий хунармандчилигимизнинг турли йўналишларида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Айтиш кераки, юртимизда ҳар доим хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинган. 2017 йил аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига мувофиқ, ўтган йили 84 мингдан ортиқ хотин-қиз доимий иш ўринларига эта бўлди. 2.5 минг нафар банд бўлмаган хотин-қизлар эса қайта касбага тайёрланиб, малякали мутахассис сифатида корхоналарга ишга жойлаштирилди.

Бу эзу амалларнинг давоми сифатида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб, жамият ҳаётида фаол иштирок этаётган ҳар томонлама ибратли аёлларни аниқлаш ҳамда уларнинг илғор ҳаёт ва иш тажрибасини оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан «Йил аёли» миллий танлов ўтказилди. Танлов иштирокчиларини саралаш жараёнида муайян бир соҳада кўп йиллар меҳнат қилиб, ютуқларга эришгани, ўзига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажариб, ички меҳнат тартиб қондаларига амал қилгани, изланувчанлиги, инновациялари ва муносиб шогирд-

лар тайёрлагани, меҳнат жамоасидаги юксак обрў-эътибори, жамоат ишларидаги фаол иштироки, ижодкорлиги ҳамда оила ва фарзанд тарбиясидаги ижобий жиҳатлари инobatта олинди.

**Гўзал МАЛИКОВА,** «Hurriyat» мухбири

# «ЖАННАТНИ ИЗЛАБ, ДУЗАХНИ ТОПДИМ»

## ▶ ТАМАГИРЛИК — КОРРУПЦИЯГА ОЛИБ КЕЛАДИ

Ёлланма иш Исмаиловнинг жониға тегди. Бир пайтлар дурадгорликни ўрганганда ақлим қайда экан, дея ахён-ахён ўзидан ҳам, қилаётган ишидан ҳам кўнгли тўлмайди. Тақир-туқурини кўтариб, эшикма-эшик юриш малол кела бошлади. Бунинг устига буюртманинг бирор жойини сал хато қилса, харидордан даққи эшитсади, ёши кичиғу ўзи «катта» одамларнинг гапи оғир ботади.

**С**ўнги ясаган ошхона мебелига сўраган пулни беришни истамаган буюртмачи шартномадан бузгани етмагандай, нордон гап қилди:

— Ука, сизни бинойидек уста дейишганди, бу нима, ошхона столининг оёғи чумолининг белидай бўпти-ку! Бу ерга қанча идиш-товуқ қўйилди, тўрт кунда чўлтоқ бўлиб қолса, сизни қайси эшикдан топаман, устабузар укам?! Икки ўртадаги тортишувдан сўнг у столни қайта ясашга мажбур бўлгани алам қилди. Халдидар хал фил қиларлар ўралашди, раҳмоннинг сабрга чорловидан кўра, шайтоннинг текнига ундовиз афзал кўринди. Охири, «Э, бор-е, менга зарил кептими, ёшим ўтнизга етмай туриб шу кора ишга чидаб яшашим керакми?! Хали уйланмаган бўлсам,

на»ларингни ишга солиб, тўрт-бешта дундикчани топиб жўнатасан, бўлди!

- Ҳуш, кейин-чи, хар бирига қанчадан бери?
- Юздан!
- Кўнми?
- Сўм бўлармиди, галварс!

— Барибир кам, у қизларнинг жавобгарлиги менинг бўйнимда қолади, опа! Шунинг ҳам ҳисобга олинг-да, бироз қўшинг!

— Халитдан нафсинга эрк берма, жавобгарликни эса менга қўйиб бер! Энди турса, тез жўна!

Бундай осон шартнома ни қўлга киритганидан оғзи кулоғида бўлиб қайтган Исмаилов кўп овора бўлмади. Ҳамкори айтгандай, «эски дугонаси» Олимини топди-да, аврашга тушди:

- Яқинда Олма-отадан келдим, зўр жойлар экан, иш ҳам кўп, пул ҳам!
- Унда нега қайтди?
- Сўради қиз.
- Сеням олиб кетай дедим-да!
- У-ху, қанака иш топди ўзи, бирорта бойвача хонинга энагаллик қилмасми, ё? — эрмак қилиб чимирилди Олима.

Исмаилов бу қизни яхши билгани боис яшириб ўтирмади, тўғриси айтиди-қўйди:

### ХУШЁР БУЛИНГ, АЗИЗ ОДАМЛАР!

СИЗГА ЧЕТ ЭЛДА ИШЛАШНИ ТАҚЛИФ ҚИЛИШАМIZ. ИЛМЛАРИНГIZ, ҚУЛИНГIZ СЌТИЛИБ КЕТИЛИШИНИЗ МУМКИНЛИГINI УМУТМАН!



Исмаилов пайдо бўлди ва галваннинг ичига қолди. Қизлар бараварига ҳужум қилиб, уни доводиратиб қўйишди:

- Бизни алдаб, мана шу ифрос ишга бошлаганинг учун хали оларингни оласан!
- Ўз опанг ё синглинг ҳам шу аҳволга тушсин, илойим!
- Топган ҳаром пулинг тез қанда бошингни есп! Биргина Шоира бу ҳужумдан четда туриб, тинмай йиғларди. Унинг бу ердан қутқаришни сўраб, ялиниб-ёвворишни Исмаиловнинг хали бутунлай йўқолиб ултурмаган одамлик хиссини уйғотди. Айниқса, қизнинг «Мен етим ўсганман, одамларнинг турткилашларига чи-

дашим осон бўлмаган, лекин ўша етимликдаги ҳаётим бундан кўра минг марта яхши эди!» деган гапи уни ўйга толдириди. Шўрлик қизга ачиниб, ўзидан нафратлана бошлади, нима қилиб қўйганини, одам ҳазар қилади-деган аҳволга тушиб бораётганини англаб, жимиб қолди. Бону нима дейишни билмай, гангиб қолган йилитни ҳимоя қилиб, йилитни қўлга олди:

- Яхшиликни билмаган кўрнамалар, унда нима айб, иш керак деб келган ўзларингиз-ку! Ҳамманг ўзингни йиғиртириб ол, йўқса, ўлгингизни ҳеч ким тополмайдиغان жойга жўнатаман!

Бонунинг гапидан далдаси Исмаиловнинг фикрини

ўзгартиролмади. У қизларни ўз юртига қайтариб юбориш учун бу аёлни кўндиришга уринди. Аммо Бону нисбатан ёшроқ бўлган Нодирани олиб қилиш ва бу «қари қизлар» ўрнига бошқаларини жўнатиш эвазига Исмаиловнинг гапига рози бўлди. У ҳеч вақосиз қизга бу кунинг ташвишидан қутулганига шукр қилди. Олиман ҳам уларга қўшиб жўнатди. Аммо ўрганган қўнгли ўртасида қўймас экан. Энди нима қилиш керак, яна қурилишда ишлайдими, йўқ, бу оғир меҳнатнинг маошини қайта ўтиришнинг ўзи бўлмайди. Гадоий бир эшикдан ўтгунча, деган-

ларидек, у янги ишдан бутунлай воз кечолмади. Олиманнинг ёрдами билан бошқа қизларга қармоқ ташлаш, ташлаганда ҳам сирли ишнинг бироз учини чиқариб қўйиш орқали ўзини оқлаб олмақчи бўлди. Шу йўл билан «иккинчи гуруҳ»ни ҳам бир амаллаб Бонунинг қўлига топширди. Олимини яна қайта кўрган Бону эса:

- Вой-бу, Оля, юкюмолок бўп қопсан-ку! Бу ҳолингга сенга харидор топиб қийин, аммо Исмаиловнинг ишончини оқладинг, олиб келган қизларнинг бу гал бизни бой қилади, малалес! — дея уни рағбатлантирган бўлди.

Афсуски, Исмаилов бу йўл билан бой бўлишга улгурмади. Юртига қайтиши билан қўлга олинди, тегишли жазага тортилди. Панжара ортида қолган биринчи кунидек шундай туш кўрди: дурадгорлик асбоблари худди тирик одамдек уни қувиб юрганмиш. У қочиб кетаётган, бир чуқурга қулади. Бу ердаги қурт-қумурсқалару галати ҳашаротлардан қутулиб қочишга ҳарчанд уринмасин, удалай олмади додлаётганида уйғониб кетди. Тушининг таъбирини ўйлаб-ўйлаб, қўл берган устозининг гапи ётига тушди: хунарнинг ҳам пири бўлади, уни хор қилган одамнинг ўзи ҳам хор бўлади... (Исмаилов ўзгартирилган, мос келган номлар тасодиф).

**Мирушқур МИРАГЗАМОВ,** Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди суд маслаҳатчиси, Ҳоллада **ФАЙЗИЕВА,** «Hurriyat» мухбири

# БИЗ ҚАНДАЙ ЖУРНАЛИСТМИЗ?!

Бошланғич 1-бета

Касбий нуқодигимиз боис миллий журналистикамизда барча жанрларни ўқиб, устидан қалин тудроқ тортиб юборилди. Журналистика илми инқирозга ураган. Бори ҳам ночор. Илмий унвон учун амалга оширилган тадқиқот ишларидан нарига ўтилмапти. Устоз журналистларнинг ижод лабораториялари ўрганилмапти. Ахир уларнинг турган-битгани тажриба-ку! Тайёр дарслик. Мен жанрларни дастурхондаги шириндешак нозу наъматларга қисқайтман. Тасаввур қилинг, ҳар куни, эртаю кеч дастурхонда нондан бошқа нарса бўлмас, қандай ҳолатга тушасиз. ОАВ ҳам маънавий дастурхон. Унда ноз-наъматлар қанча кўп бўлса, матбуот шунча фаровонлашади. Ҳали ҳам кеч эмас. Жанрларни тиклаш, уларнинг ҳар бирида қалам тебратиб кўришимиз ниҳоятда зарур. Бу жаҳдада журналистик жанрларни яхши ўрнатган устоз ҳамкасблар намуна кўрсатишга яхши бўларди. Қолаверса, бош муҳаррирларимиз ташаббускор бўлишлари бу муаммоларни тезроқ бартараф эттишга олиб келарди. Журналистикада жанрларнинг вақти ўтган, деган гаплар қуруқ баҳона. Жанрлар журналистиканинг қуввати, жони, фазиз ҳамдир. Бугунги ОАВга назар ташлаб кўринг. Биринчи саҳифадаги материал билан иккинчи саҳифадаги материалнинг фарқи йўқ, сунгли саҳифалар ҳам шундай. Бир хил қолипдаги материаллар... Демак, эшик услубимизда ҳам қусурлар кўп. Журналистика, аввало бадий ижоднинг бир кўриниши. Ҳаваас учун ҳам лавҳа, репортаж, очерк каби дилкаш жанрларда қалам тебратиб кўрайлик, ахир. Ана унда кўрасиз, мухлисларнинг ортинини. Ўзлари сизга қўнғироқ қилиб ёки хат ёзиб,

миннатдорлик билдиришади. Оммага етказмоқчи бўлган муҳим хабар ёки ахборотни айнан бошқа жанрлар орқали ҳам етказса бўлади. Жанрсизлик газеталаримизнинг ҳаммасини оғир анемия ҳолатига солиб қўйган. Бу дардан тезроқ қутулиш керак. Энди касбга таяёрлаш ҳақида икки оғиз сўз. Биз ўқув юртида таҳсил олганимизда мантик, фалсафа, этика-эстетика фанларидан сабоқ бериларди. Ушунда касб одобини ҳақида тасаввуримиз бойитиларди. Булажак журналистнинг руҳан касбга таяёрлаш (фақат ёзишга эмас), жамоат жойида қандай қийиниш, ўзини қандай тутиш, респондент билан қандай мулоқот ўрнатиш, ахборот олиш усуллари масаласида баҳс ва мунозаралар кўп бўларди. Назаримда, касб ахлоқи деган бирикма жуда муҳим. Касбга нафосатдорлик нуқтани назаридан ёндашган маъқул. Гўёки ахлоқимиз шу даражада пасту қимларидир ўй қарашлари билан бизни тарбияламоқчидай. Шу боис ҳам касб ахлоқи кодексини журналистнинг чегараловчи, қолпига соловчи восита деб ҳисоблайман. Уни Касб этикаси деб атаган маъқул. Бу билимни қанча бўлса, ўқув жараёнида бериш керак. Қолаверса, Кодекс сўзи ҳуқуқий термин бўлиб, ўзига хос таъқиқловчи оғнага эга. Журналиста уни қилма, буни қил, дегандек вазифалар қўяди. Огоҳдантирилади. Яқинда журналистларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиши керак бўлган бир ҳужжатда "Журналист ўз фаолияти давомида амалдаги қонуналарни бузган тақдирда жазоланади" деган мазмундаги қўшимча қўйиб тушди. Ваҳоланки, ушбу ҳужжат журналистнинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиши керак эди. Қўрқитиш, қўзининг ўтини олиб қўйиш эмас. "Сўздан сўзининг фарқи бор" деган иборани унутмайлик. Ҳар қандай огоҳдантириш чегаралашдир.

Профессионал журналистни чеклаб бўлмайди. Қанча сабоқ берилса, парталар ортида бўлгани маъқул. Келинг, ёзганларимиз ўқувчиларни қизиқтирадими-йўқми, буни ўйлаб ҳам кўрмаётганимизни тан олайлик. Узинимиз сезмаган ҳолда "тепа"га ёқадиган материал ёзишга мослашиб қолганмиз. Энди эса, ёзганларимиз ҳаёт ҳақиқатидан шунчалик узоқлашиб кетдики, нафақат тепа, ҳатто ўзимиз ҳам бунга ишонмай қўйдик. Шундай экан, албатта ўқувчилар ўзларини қизиқтирадиган бошқа нарсаларни излашга мажбур бўлади. Ваҳоланки, ўқувчиларда ҳам қалб бор. Улар билан алоқа ўрнатилмаган. Газеталар эса савдо дўконларида кирмон-хирмон бўлиб ётибди. Катта йўқотишимиз шунда. Бу камчиликлари қанча тез анласак, шунча яхши бўларди. Бу ҳолатлардан чиқиб кетишнинг йўллари топишга рост бўлсин. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Олий Мажлиси парламенти ва ҳалқимизга қилган тарихий муражоати Миллий медиа мақолада Ўзбекистон Журналистика ва оммавий ахборот воситалари университетини ташкил этиш, уни замонавий коммуникация воситалари билан таъминлаш, соҳада таълим оладиган бўлажак журналистларни дунё бўлашлиқлари даражасида таъсил олишларини таъминлашни вазифа қилиб қўйганлари соҳа ходимларига катта қувонч, келажакка ишонч бағишлади. Ҳақиқатан, Журналист ким? У қандай бўлиши керак?! Менинг назаримда, журналист мамлакатимиз муҳофаа тизимида чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаб турган аскарларимиз каби, постидо доим ҳушёр маънавиятимиз кўрғони қўриқчиларидир. Шундай экан, бу олий даргоҳни ташкил этиш жараёнида ана шу меъёрлардан келиб чиқиб, соҳа олдига турган барча муаммоларни ҳал этиш чораларини кўришга кўп

нара боғлиқдир. Бунда кўпгина жиҳатлар ҳисобга олинши керак, албатта. Масалан, мамлакатимизда тезкорлик билан ривожланаётган интернет журналистиканинг айрим унсурларини, дейлик, ошқоралик, далилгини ўта аниқлик ва ҳолилик билан бойитган ҳолда ривожлантириш, таълим тизimini соҳани чуқур ўргатишга қаратилган дарслиқлар, кўшимча адабиётлар, техника ҳуқуқлар билан таъминлашга қаратилган лоийҳалар асосида тақомиллаштириш, хориж тилларини яхши ўзлаштиришга эришган талабаларни биринчи, иккинчи курсларда қамда бир ой хориж ОАВда, ўқув муассасаларида малакасини оширишни қатъий амалга ошириш ва унинг натижаларини назорат қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш қисқа муддатда ўз самарасини берали, албатта. Қолаверса, талабаларни бир хонага жамлаб, улардан "ихтисослашган" журналист ясашдан кўра, соҳаларда ишлаб тажриба орттирган ёшманларни фаолиятга жалб этиш кўпроқ самара беришига ишонилишимиз керак. Бўлгуси ҳамкасбларимизни соҳаларда амалиёт ўташга қўнқитириш керакдир, балки. Ҳозир ҳамма ташкилот ва идораларда ахборот хизматлари мавжуд. Амалиёт иши учун масъулиятни ошириш жудама зарур. Бу ҳам натижалдорликка эришишни бир йўли. Иккундорликлар кўчада қолмайди. Уларнинг харидори кўп. Журналистика соҳасида малака тўплаш учун узоқ вақт етарли даражада шаклланмаган ижодий

муҳитга тушиб, кўп вақт йўқотиши мумкин. Яна бир муҳим жиҳат — устоз-шогирдлик аҳнапалари билан боғлиқ. Бу қадриятни давом эттиришда "Устоз-шогирд" клублари қўл келиши, шубҳасиз. Масалан, мен устозларимнинг фақат касб сир-синоатининггина ўрганиш мақсадида эмас, балки инсоний фаилатлари юқори бўлгани учун ҳам баридан тутганман. Талабалик давримизда, таҳсил давомида Очил Тоғаев, Бойбўта Дўстқошев, Тоҳир Пайдав, Мухтор Худойқуллов, Сайид Умиров каби ўз ишининг фидойиларидан сабоқ олиб, касб эгаллаган бўлсам, кейинчалик, фаолиятга киришганимдан сўнг, таниқли ношир, профессор Наим Ғойипов, Ҳалқ ёзувчи Мирмуҳсин, Оқилжон Хусановлар, Мурад Муҳаммад Дўст, Маматқул Ҳазратқуллов, Эркин Аъзам каби забардаст қалам соҳибларидан кўпгина хислатларни орттириб қад ростиладим. Улардан беҳад миннатдорман. Бу инсонларнинг юзларига тушган ажирларнинг кўрганимда, улардан биттасини нуқодимиз боис, мен орттирганнимдан афсусданман. Эндилдикда устозларимнинг эгнига гард қўнса, қоқишга таяёрман. Ўтганларнинг охириги оёда, борларининг азиз бошларини омон бўлсин.

Касбимиз сурुरи. Ҳатто ўзимизнинг байрамимизни бу жуда катта экан. Ана шу касб меники деб эъзозланаларга, уни нанда ривожлантириш ва тақомиллаш ҳисси қўнқитганларга олқишлар бўлсин!

У.МИРЗАЁРОВ

ТААЖЖУБ!

Яқинда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ўтказилган тадбирлардан бирида қатнашдим. Тадбир тугагач, талабалик давримиз кечган журналистика факультетини зиёрат қилгани бордим. Яқин орада бу ёлларга йўлим тушмагани, университетнинг бугунги кифаси анча ўзгарган, ён-атрофи ободонлаштирилиб, унга анча файз кирибди. Қадрдон факультетимизнинг янги бинода фаолият юритаётганини кўриб, жуда хурсанд бўлдим.

## УЛАРНИ УНУТИБ БЎЛМАЙДИ


Хаяжон билан аудиторияларга бирма-бир бош суқиб чикдим. Талабаликнинг унутиб бўлмас давлари кўз олдимдан кино тасмаларидек кетма-кет ўтди. Бугунги талабалар тиним, чироийли, ёруғ хоналарда устозларнинг маърузаларини берилиб тинглашапти. Уларнинг пухта билим олишлари учун шарҳ-шаронглар яратилган. Ҳа, аудиториялар тоза, озаода, ёруғ. Бўлгуси ижодкор-ёшларимиз учун яратилган имкониятларга ҳар қанча ҳаваас қилсангиз арзийди. Аудиторияларнинг бирида факультетда узоқ йиллар самарали хизмат қилган устозларимиз — профессор-ўқитувчиларнинг суратлари қўйилган экан. Ҳақикатан ҳам савобли иш бўлибди. Мана, факультетда узоқ йиллар раҳбарлик қилган Анвар Шоммақудов мамун жилмайиб турибди. Профессор Ориф Саидовнинг суратлари анча кўркем чиқибди, Ориф ажа жуда қамтар, олдий инсон эдилар. Она тилимизнинг билимдони, ширин сўзли доцент Сайёра опа Низомиддиновани ҳаммамиз бирдек хурмат қилар эдик. Уларнинг ёнида устозларимиз — доцентлар Тоҳир Пайдав, Ирисали Тощалиев, Анвар Каримов ойна ортадан мамун боқиб туришибди. Ҳа, талабалар хурматини қозонган устозларимиз ҳар бирининг нафақат факультет, қолаверса, университетда ўз ўрни, макен бор эди. Суратларга бир-бир боқиб, устозларнинг жонфидолик билан берган билим-сабоқлари, бир умр ёда қоладиган панд-ўғитларини эсладим... Шунда суратлар орасида ана кимдир етишмаётгандек туюлди. Ҳа, кимдир кўргин келатганини ич-ичдан хис қилдим. Ким бўлиши мумкин? Ана, суратда жилмайиб турган Мухтор Худойқуллов домлаэмиз. У киши "Матбуот назарияси ва амалиёти" фандан сабоқ берар эди. Жуда ҳазилкаш, сатираю юморга бой, ажойиб инсон. Хамиша баҳор, доимо тетик, қувнок устозимиз Сайди Умиров декан муонини эдилар. Овир, босик, ним табассумла дарс ўтадиган доцент Фатҳиддин Насриддинов домлаэмиз эса, услубият ва таҳрирдан дарс ўтишни қойиллатарди... Ҳа, айтганча, бизга журналистиканинг турли жанрларидан филология фаилари доктори, профессор Очил Тоғаев сабоқ берган. Домла айниқса, марказий ва маҳаллий нашрларда эълон қилинган турли очерклар-у долзарб публицистик материалларни қиёмати етказиб таърифлар эдилар. Биз — ўта талабдан Очил Тоғаев домладан хайқиб турар, шунингдек, чуқур хурмат қилардик ҳам. Ажабо, бунда неғадир домланинг суратлари кўринушайти. Суратларга ана дикат билан разм соламан, бирма-бир назардан ўтказаман. Кўзларим панд бермайтганимкин, дейман. Нима учундир домла Тоғаевнинг бу жамоа орасида суратлари йўқ эди. Ё, бу бир тасодифмикни?

У.МИРЗАЁРОВ

## TV ga СЎЗЛАШУВ МАДАНИЯТИ

СОҲА МУАММОЛАРИ

Бугунги кунда электрон ОАВда адабий тил меъёрларига риоя етмаслик ҳолатлари тез-тез учрайди. Айниқса, оғзаки мулоқотда асосланган кўрсатувларда сўзлашув услубида "галлашаётган" бошловчилар, уларнинг саволларига жавоб берувчи респондентлар нутқ маданияти қондаларини бузётганликларига қўнқиб ҳам қолдик. Тобора одатий тусга кирган бу ҳолат чуқур илмий таҳлиллар учун мавзу бўла олади. Жаҳмиёнда адабий тил нормаларини тартибга солиб туриш журналистларнинг фаолиятига боғлиқ масала. Чунки ОАВ тили оммага сингади ва кўпчилик унга тақид қилади. Сўзлардан ноаниқ ва нотўғри фойдаланиш жараёнидан беҳабар ўсмир ёшлар нутқига салбий таъсир кўрсатади.



Бези амалиётчилар орасида телевидениеда энг асосий сийси тасвир бўлиб, сўз унчалик катта аҳамиятга эга эмас, деган қарашлар ҳам йўқ эмас. (Улар замонавий журналистнинг қалам тебратилишига эҳтиёжи йўқ, яхши сўзлай биланган суҳбатдошни "гапиртирини"ни билиши етарли деб ҳисоблайдилар.) Москва университети Телевизион ва радио кафедраси мудир бўлган профессор Энвер Багиров бу борада шундай хулосага келган: "Кўп йиллар давомида телевидениеда сўз ёки тасвирнинг қай бири муҳимлиги борасида баҳслар бўлади. Албатта, кўрсатувларда матн муҳим аҳамиятга эга, чунки у асосий мазмуний ахборотни етказибди. Шу билан бирга дастурларнинг, авваломбор, кўришни бўлиши кераклигини унутмаслик зарур. Радио мухлисини биз тинглавчи десак, кўрсатув мухлисини томошабин деб атаймиз. Бизни дастурларда матн асосий маълумотини берса, бошқаларида тасвир асл моҳиятини етказувчи устувор хусусият касб этади. Назаримда, телевидениенинг коммуникатив имкониятларини оғзаки нутқ ҳамда тасвирдан тасвир оқиб беради. Бунда сўз, тасвир ва муқнақнинг ўзаро уйғулими дастурнинг таъсирчанлигини яратади". Демак, те-

левидениеда тасвир ва муқнақнинг аҳамиятини қамтирмаган ҳолда, сўзга, жумладан, нутқ маданиятига эътибор қаратишни долзарб масала сифатида эъланроф этмас бўлади. Журналистикадаги нутқ маданиятини мутахассислар уч йўналишда таҳлил қилишни тасвия этиладилар: матбуот учун визуал нутқ, радио учун аудио нутқ ҳамда телевизион учун аудиовизуал нутқ кўринишида. Яъни, журналистика соҳасида нутққа аҳанавий лингвистик тушуниладан фарқли ўлароқ ёндашув талаб этилади. Умумий тушуносликни тадқиқ этилувчи нутқнинг ёзма ҳамда оғзаки нутқ кўринишида таҳлил қилишади. Унда фикр фидоласи фақат сўз билан кечади. Журналистикада эса сўз — асосий, лекин ягона фикр фидоласи эмас. Матбуот тили матндан ташқари ўз ичига иллюстрациялар (фотосуратлар, тасвирлар, инфографика, схемалар ва ҳоказо) ҳамда қўшимча беаз воситалари (шрифтар, қайси полосода берилгани, ранглари билан уйғулиши ва ҳоказо) ўз ичига олади. Радиодаги нутқ сўзлар синтети (дикция, интонация, пауза ва орфотик меъёрлар), муқнақнинг (журналист материални бевозчи оҳанглари) ҳамда шовқин эффектларини ўз ичига олади. Телевидение нутқи эса сўзларнинг уйғулиги

(овоз хусусиятлари бўлган аудио нутқдан ташқари сўзлаётганларнинг хатти-ҳаракатлари, мимикаси) ҳамда тасвир (ракур, нуру ва соя тасвирчилиги ва ҳоказо)ни кўришимиз мумкин. Ахборотни борлигича қўриш имкониятини бергани учун телевидение материаллари бошқа ОАВлардан таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Телевидение нутқ маданиятини тадқиқ қилишда унда сўз, тасвир ҳамда муқнақ уйғулигини ҳисобга олган ҳолда изиланиш олиб бориш зарур. Телевидениеда бошловчи нутқи, интонациядан ташқари ўзининг ташқи қўриниши, хатти-ҳаракат(жест)лари, мимикаси, ҳатто қийинчи билан тингловчинга маълум бир ахборот етказибди. Кўрсатув матн таяёрлаган, суҳбат олиб борган журналист фаолиятдан ташқари суратга олиш гуруҳи ижодини ҳам ўз ичига қамраб олади. ОАВда, айниқса, мулоқотга асосланган телекўрсатувларда журналист ва бошловчилар нутқидан нутқонлар аудиовизуал нутқнинг барча унсурларини мукаммал аглайди олмаганликларини намоян этимоқда. Кимдир ўз кифасига эъланроф қаратиб, нутқига ҳамроҳ ҳақиқат бермоқда. Суҳбатдош қўлиб, бошловчиларнинг ўзлари кўп гапирдилари ёки респондентлар ўрнига йирик шанда журналист тасвирни кўпроқ берилиши ҳола-


ри ҳам учрайди. Бошловчи нутқидан лисоний хаттоликлар ёки овоздаги дефлактлар, албатта, томошабинлар эътиборидан четда қомайди. Нутқий маданияти яхши шаклланган муқнақлар бунга салбий баҳо беришса, барча янгиликларини борлигича, баъзан замонавийлик тарзида қабул қиладиган ўсмирлар ана шундай нутқидан нутқонларини меъёр даражасида қабул қилишлари мумкин. Бу эса уларнинг тарбиясида, маънавий қамолотида салбий таъсир қилиши турган гап. Нутқ маданияти ҳар бир халқнинг ўзига хос қадриятини эканлигини унутмаслик зарур. Масалан, ёшлар (баъзан ўрта ёшлар ҳам) интернет тили сифатида орфографик хатолар билан, шевада ёзишни бугунги кунда меъёр деб билимоқда. Бу ёшманларни аҳанавий мактуб, қундалик сифатида қабул қилмас, ёшлар орфографик ҳамда стилистик хатolikлар билан ёзишга ўрганиб қилиниги бугунги кунда ачинарли. Бошловчи журналист қаторида студияга тақид қилинган меҳмонларнинг ҳам адабий тил меъёрларига риоя қилмаган ҳолатда ўз фикрларини баён этишлари мулоқотга асосланган (суҳбат, ток-шоу каби) дастурларнинг "ўзига хос" лигига айланиб улгурмоқда. Баъзан бу ҳолатлар симуля-

ти, руҳияти, тарихимиз ҳамда қадриятларимизни ҳисобга олиб таяёрланиши талаб этилади. Ҳозирда тадқиқотчилар мазкур йўналишнинг бир қисми бўлган ОАВда имик масаласини илмий таҳлил қилишгаёtgани диққатга сазовордир. Журналист бошловчиларнинг замонавий ижодини ҳосил қилишда янги кириб келган сўзларни турли талаффуз қилишлари катта аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги даврда ОАВ лексик тилида ҳам замонавий адабий тилининг янгилиниш жараёндари акс этади. "Публицистик услубнинг ҳар икки шакли (оғзаки ва ёзма) нафақат сўзлар, шунингдек, бир қатор синтактик тузилмалар ҳам фаоллашди. Улар иқтисодий, иجتимоий, сиёсий, маданый-маърифий, спорт, соғлиқни сақлаш каби соҳаларга хос долзарб тушунчаларни англатишга кўра фарқланади. Шунингдек, иجتимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, банк-молия, тилим-тарбия, тиббиёт ва бошқа кўпқаб соҳаларга оид дисер, менежмент, консалтинг, кредит, лизинг, ипотека, коллеж, бакалавр, маистр, онлайн, мөдататор, мессенжер, медиамания, патронаж каби ўзлашма ва ясалмалар ўзбек тилига публицистик матлар орқали кириб келган, шу услубда қайта-қайта қўлданниши натижасида халқ тилига кириб, визуаллик касб этган". Дастур бошловчиларни нутқимизга кириб келган бу каби ўзлашган сўзларни қондага мувофиқ аниқ талаффуз қилишлари ҳамда ёзма нутқда турли ёзилиши керак. Мазкур янги сўзларнинг бугунги кунда турли талаффуз қилиниши, йиллар ўтиб уларнинг орфографик хатоларсиз ёзилишига ҳам замин ҳозирлайди. Юртимизга ташриф бурувчи хорижлик сайёҳлар мозийдан хабар берувчи маҳобатли ичишотларни кўриб, уларга махлиб бўлишади. Қадимийликда ана шу улкан биналарга тенг бўлган тилимиз бугун халқимизнинг ўзига хос маданый бойлигига айланган. Уни асраб-авайлаш, келажак авлодга бор хозибаси билан етказишда журналистларнинг алоҳида ўрни бор.

# ЁЛҒОННИНГ ҚУРБОНЛАРИ

## ШАРҲ

Россия телеканалларидан бирида намоиш этилган ток-шоуда экспертлардан бири "ҳамма мусулмонлар террорчи эмас, аммо ҳамма террорчилар мусулмондир" деди. Унинг бу гапи ўйлантириб қўйди. Чунки бу фикрни "ёлғон" деб ҳам, "рост" деб ҳам бўлмайди. Ёлғон десангиз, террорчи ўзини "мусулмонман" деб турибди. Рост десангиз, исломда ўз жонига қасд қилиш, болалар ва аёлларни ўлдириш ман қилинган. Жаҳон матбуотини кузатсангиз "жиходчилар", "исломчилар" деган иборалар кўп ишлатилаётганига гувоҳ бўласиз. Аслида террорчилар томонидан уюштирилаётган портлашларнинг жиҳодга ҳам, исломга ҳам мутлақо алоқаси йўқлигини оддий масжид имомидан тортиб таниқли уламоларимизгача кўп гапиришади. Ислом тинчлик дини, исломни даъво қилаётганлар ноисломий ишларни қилишмоқда, дея урилаётган бонглар ҳозирча самара бермаяпти.



лар ўз хавфсизлигини сақлай олмас, демек, бу мазкур давлат ҳуқуқ-тартибот идораларининг камчилиғидир. Фарб эса буни тан олиб, тўғри хулоса чиқариш ўрнига ҳар доимгидек бошқаларни айблаш билан овера.

Мақсад нима? Мақсад — ўша худкушлар тунлиб ўтган мамлакатларни бўйсундириш ёки ёмон отлик қилиш, пиروвардида жазолаш эмасми?!

"Le Monde"нинг "Нью-Йоркда юз берган ҳодиса — бу, шубҳасиз, Ўзбекистон расмийлари олиб борган диний сиёсатнинг муваффақиятсизлиғидир", дея ёзиши ҳаммасидан ўтиб тушади. Бу фикрни тўғри деб бўлмайди. Чунки четта чиқиб кетганларнинг бирортаси ҳам диний илм ўрганмиш мақсадида ватанини тарк этмаган. Уларнинг ҳаммаси хорижда қиққачгина экстремистик оқимлар домига тушиб қолган.

Диний сиёсатни ким нотўғри олиб бораётгани нахотки террор ҳодисалари юз берган давлатлардаги воқеалар мисолда кўрилмаётган бўлса?! Дин масаласидаги нотўғри сиёсат ва турли диний-экстремистик роълар кенг тарқалишига шароит яратилган жамиятдаги нахотки террорчиларни етиштириб чиқариш мумкин ва шундай ҳам бўлмоқда.

Умуман олганда, Фарб ОАВ гарчи ушбу шахсининг айнан АКШ ҳудудида террорчилик оқимида кириб қолганига урғу бериб, бу борада маҳаллий ҳуқуқ-тартибот органларининг лоқайдлигини таҳлил қилиб, диний соҳада мамлакат сиёсатидаги камчиликларни очик тан олиш ўрнига айбни бошқалардан қидиришга асосий эътиборни қаратиши воқеалардан тўғри хулоса қила олмаслигини кўрсатади.

Ўтган йили 2 октябрда Лас-Вегасда бир жиноятчи мусиқа фестивалига йиғилганларга қарата ўқ отиб жами 58 кишининг ҳаётига зомин бўлиб, яна 500 дан ортик одамни жароҳатлаган эди. Жиноятчи сўнггида ўзи ҳам полиция томонидан ўлдирилган. Унинг хатти-ҳаракати террор сифатида талқин этилмади.

Ким бўлишидан, қайси миллат вакили эканлиги ёки уларнинг неча кишини ўлдирганидан қатъи назар иккаласи ҳам жирканч жиноятчилар. Аммо уларнинг биринчиси асли америкалик, иккинчисининг келиби чиккиш бошқа миллатга тегишли бўлгани боис икки хил ёндашмоқда. Нима бўлганда ҳам бир хил воқеага икки хил ёндашув Фарб давлатлари сиё-

ратининг илорлик руҳи туфайли алгебра тартиб-қоидалари, магнитли компас ва навигация ускуналари, ёзув маҳорати ва навириётга эга бўлдиқ, касалликлар тарқалиши ва уларни даволаш йўллари ҳақида тушунча ҳосил қилдиқ. Ислом тамаддуни бизга улусвор арқлар ва баланд миноралар, вақт ҳукмига бўйсунмайдиган шеърят ва жозибали мусиқа, ҳусни хатматлик ва ҳузур-ҳаловат ила таффақур қилиш имконларини берди", деган эди. Бу нутқ билан танишар экансиз, АКШнинг ўша вақтдаги президенти ўзбек мутафаккирларини (алгебра тартиб-қоидалари деганда ал-Хоразмийни, магнитли компас деганда Абу Райхон Берунийни, навигация ускуналари деганда ал-Фаронийни, касалликлар тарқалиши ва уларни даволаш йўллари деганда ар-Розий ва ибн Синони) назарда тутганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Улувор арқлар ва баланд миноралар (Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз), вақт ҳукмига бўйсунмайдиган шеърят (А.Навоий, З.Бобур) ва жозибали мусиқа (ал-Фаробий) дейиш билан Барак Обама Ўзбекистонга қора бўёқларда тасвирланишига эътироз билдирган. "Ўзбекистон номи — янгиликларда. Аммо, афсуски, бунга ижобий воқеалар сабаб эмас" дер экан, шундай дейди: "АКШ "эриш-карта" лотереяси кўплайб ўзбекистонликларнинг бу ерга қўчиб келишига имкон яратади. Улар жуда меҳнатқаш, ватанпарвар одамлар, бундайлар бизнинг кўп миллилатли жамиятимизни янада бойитишади. Бир аҳмоқ қилган ишларни у келиб чиққан бутун бир миллат билан боғлаш нотўғри" — деди у.

Шу ўринда АКШнинг 44-Президенти Барак Обаманинг 2009 йил 4 июнь куни Қохира университетига сўзлаган нутқини кўпчилиكنинг эсига солмоқчиман. Оқ уйнинг ўша вақтдаги раҳбари шундай деган эди: "Тарихга қизиққан инсон сифатида мен цивилизация ислом олдига қанчалик қарздор эканлигини ҳам билмаган. Айнан ислом, Ал-Азҳор каби жойларда, асрлар давомида илм нурини таратиб келди ва Европадаги тиклишни ва мағрифатга йўл очди. Мусулмон жамиятла-

Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «дунёда терроризм таҳдидлари айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши асосан куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат беради. Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чеklangиб қолимоқда». «Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва муросасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Экстремистик фаолият ва зуравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда. Бугунги дунё ёшлари — сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этимоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб қамолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз — ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зуравонлик гоёси «вируси» тарқалишининг олдини олишдир», деди Ўзбекистон Республикаси Президенти юксак минбардан туриб. Бу одилона хулоса дунёни чулғаб бораётган дардни соғломлаштириш учун қўйилган энг тўғри ташхисдир.

Шарофиддин Тўлаганов

## БУ ТУРФА ОЛАМ

### ЭНГ ЖАЖЖИ ТЕЛЕФОН



Йилдан-йилга мобил телефонларнинг янги турлари пайдо бўлмоқда. Дастлабки авлоди сал ихчамроқ эди, ҳозиргилари анчагина кўрилади. "Clubit New Media, Ltd." компанияси "Zanco" билан биргаликда яратган тури эса янада гаройиб — дунёдаги энг кичик мобил алоқа воситасидир. Унинг эни 1,25 сантиметр, қалинлиги 1,2, бўйи 4,76 сантиметрга етади, оғирлиги эса бор-йўғи 13 граммни ташкил этмоқда.

"Zanco Tiny T1" деб ном олган мазкур жажжи телефон 32 мегабайтлик "оперативка" билан жиҳозланган. Бу эса унда 300 тагача "контакт" ва 50 та "SMS" жойлашади, деган га. Гаждетнинг аккумулятори уч кунга етадиган қувватга эга. Телефонча 13 та тилга мослаштирилган. Гаджет ҳозирча фақат қора рангда ишлаб чиқарилган, аммо ҳали сотувга чиқарилмаган. Унинг энг кам баҳоси 30 фунт стерлинг (2300 рубль)га тенг. Ишлаб чиқарувчилар катта талаб бўлгандагина ушбу лойиҳадан фойдаланилишини ва уни амалга ошириш учун зарур бўлган сумманинг бир қисми йиғилганини маълум қилишди.

### DASH — ПАРҲЕЗНИНГ ФОЙДАЛИСИ

Диетологлар ҳар қайси организмнинг хусусияти ва аҳолидан келиб чиқиб, ўзига хос парҳез буюради. Яқинда дунё экспертлар гуруҳи АКШда тан олинган 38 хил парҳезнинг энг маъбулини маълум қилишди.



Гипертониянинг олдини олишга қаратилган бундай парҳез учун туздан, шакардан ва ёғли маҳсулотлардан жуда кам миқдорда фойдаланиш ёки умуман истемол қилмаслик талаб этилади. Бундай усул қон босимини пасайтириш билан бирга холестерин миқдорини ҳам камайтириб бориши айтилмоқда. Мутахасссларнинг гапига қараганда, бу тартибга амал қилиш гипертонияда дори воситаларидан кўра анча самарали таъсир этади. DASH деб номланган бундай парҳез ортқича вазндан халос қилиб, юрак ва мия фаолиятини яхшилайди, қандли диабет ва онкологик касалликларнинг олдини олади.

### ҚАДИМИЙ ИБОДАТХОНА ТОПИЛДИ



Археологлар гуруҳи Мексикадаги Истаксиуатль вулкони этагидега жойлашган кўл тубидан қадимий ибодатхона қолдиқларини топилди.

Таҳқиқотчиларнинг сўзларига кўра, ушбу топилма ацтек (Мексикадаги хинду)ларга тегишли бўлган. Объект денгиз сатҳидан тўрт минг метр баландликда жойлашган бўлиб, турли ўлчамдаги тошлардан қурилган. Олимларнинг таъкидлашича, ибодатхона шундай қурилганки, кўл кирғоғида турган кузатувчида тошлар сув остида эмас, балки унинг юзасида сузиб юргандек тасаввур уйғотади.

— Сув ёрдамида яратилган визуал эффектлар ва унда ишлатилган конструкция элементларининг ўзига хослиги қаршимизда қадимий ацтекларнинг коинот борасидаги тасаввурининг миниатюраси турганини кўрсатади, — дейди археолог Ирис Эрнандес.

Олим ушбу топилмада дунёнинг яратилиши борасидаги афсоналар тасвирланганини қайд этмоқда. Ушбу афсоналарга кўра, қадимда қуруқлик бўлмаган. Худолар денгизда яшовчи Сипактли номили денгиз махлуқининг танасидан осмон ва ерни яратган.

Ибодатхонанинг ёши ҳали аниқланмади, бироқ унинг атрофидан топилган ашёлар эрамининг VIII асрига тегишли экани маълум бўлди.

### ЗАМОНАВИЙ АВТОБУС БЕКАТИ

3D-принтердан фойдаланиш ҳаёти-мизга борган сари кўпроқ кириб бормоқда. Масалан, ўтган йили октябрда Нидерландияда 3D-принтерда чоп этилган велосипед кўприги ишга тушган эди. Яқинда Хитойда ушбу технологияда чоп этилган дунёдаги илк автобус бекати очилди.



"WinSun Construction" компанияси томонидан тақдим этилган дунёдаги илк бундай қурилма (суратдаги каби) кўпчиликнинг ҳайратига сабаб бўлаётди.

3D-бекати бор-йўғи бир кечада компаниянинг Шанхайдаги заводда чикинди материалларидан фойдаланиб, бетондан ишланган. Сўнгра Фэнцзин шаҳридаги йўлга ўрнатилган, аввал бу ерда оддий автобус бекати белгиси турар эди.

Интернет материаллари асосида  
Х. АҲМАДЖОНОВА тайёрлади.

## ЖУГРОФИЙ САЁҲАТ

Тарихий манбаларда, бадий асарларда "Бадахшон лаъли" деган иборатга кўп дуч келамиз. Кўпчилик худди Самарқанд қоғозининг ватани Самарқанд, Марғилон атласининг ватани Марғилон бўлганидек, машҳур лаъл (қимматбаҳо қизил тош, ёқут)ни ҳам Бадахшон ўлкасидан қазиб олинган, деб ўйлайди. Ҳўш, ростдан ҳам бу тошининг ватани Бадахшонми?

# Бир ибора тарихи



Бу саволга Абу Райхон Берунийдан жавоб топамиз. Аллома "Жавоҳирларни билишга оид маълумотлар тўплами" ("Минералогия") китобида ёқут, лаъл, олмос, наждак, марварид, зумрад, фируза, ақиқ, забаржад, оникс, биллур, лажувард, нефрит, мўмиё, қҳарабо, магниттош, шиша, чинни каби қўплаб қимматбаҳо тош ва минералларнинг мукаммал тавсифини келтирган.

Хусусан, лаълни таърифлар экан, сифатларини батафсил ҳикоя қилган, бу минералнинг қаерларда учраши тўғрисида маълумот беради. Унинг айтишича, баъзилар лаъл Бадахшонда (бугунги Тожикистон ва Афғонистон Республикаларида жойлашган ҳудуд) қазиб олинади, дейишган. Аслида эса, "Бадахшоннинг лаълга ҳеч қандай боғлиқлик жойи йўқ". Бадахшон

лаъл деб аталишига сабаб, бу қимматбаҳо тош Бадахшон орқали олиб келинган, тарашланган ва сайқал берилган. "Бадахшон унинг [бошқа] мамлакатларга тарқалиши учун дарвозадир".

Ушбу жумлаларни ўқиган кишида, "Ҳўш, у ҳолда лаъл конлари қаерда?" деган савол пайдо бўлиши табиий. Бу саволга жавобни ҳам алломанинг ўзи беради: "Лаъл конлари Бадахшондан уч

Элмурод  
МАҲМАРАЙИМОВ  
тайёрлади.







**“Ватанпарвар” ташкилоти  
Янгийўл туман  
автомобиль мактаби жамоаси**

**Ҳарбийлар Вурчи —  
орзу-интилишлари эзгуликка аўғрилган  
халқимизни, осуда хонадонларда  
январаётган аллаларни,  
дунёга езуаллик ваҳш этив турван оналар  
Ва ездакларни ҳимоя қилишдир.  
Юртимизни қўриқлаётган мард Ва ҳушёр  
ўғлонларимиз ҳамisha саломат бўлсин!**



**МАЪРИФАТ ЙЎЛИДА  
СОБИТҚАДАМЛАР**

**САРҲИСОБ**

Ҳар йили анъанавий тарзда мамлакатимизда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислохотларни кенг тарғиб этиш, тинчлик ва осойишталикни кадрлаш, муқаддас Исломи дини таълимотларини тарқатиш ва турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, халқимиз, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодга тўғри тарбия беришда фаоллик кўрсатган ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва муносиб рағбатлантириш мақсадида «Сарҳисоб» танлови ўтказиб келинмоқда.

Анъанага мувофиқ Ўзбекистон мусулмонлари идорасида ушбу танловнинг Республика босқичи бўлиб ўтди. Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий теле-радиокомпания, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Тошкент ислом университети ҳамкорлигида ташкил этилди.

Бу йилги танлов ҳар йилгидан ўзгача тарзда ташкил этилди, яъни унинг ҳудудий босқичлари ҳам ўтказилди. Уларда муаллифлар 2017 йилнинг 1 январидан 1 октябрга гача газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатишган, телевиденида намоиш этилган ва интернет тармоғида эълон қилинган материаллари билан иш-

тирок этди. Танловнинг республика босқичи «Жаҳолатга қарши — маърифат» шiori остида ўтказилиб, ғолиблар ҳудудий босқичда ғолиб чиққан иштирокчилар орасидан сараланди.

Тақдирлаш маросимида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов нутқ сўзладилар. Жумладан, муфтий ҳазратлари, бугунги кунда шиддат билан ўзгараётган юртимиздаги ислохотларни ва динимиз равнақи йўлида қилинаётган ишларни ижодкор ҳодимлар кечяқ кундуз, тиним билмай кенг халқ оммасига намоиш этишда жонбозлик кўрсатишаётганини алоҳида қайд этдилар. Шунингдек, мўмин-мусулмонлар манфаати, дин ғами ва Ватан тақдирини юрагидан ўтказиб ишлайдиган ижод аҳлининг

даъваткор сўзи, ибратли фаолиятига таҳсин айтилди.

— Шунинг учун ҳам сиз ижод аҳли, Аллоҳ таолонинг «(Эй Муҳаммад,) Раббингиз йўли(дини)га ҳикмат ва чиройли насиҳат билан даъват қилинг! Улар билан энг гўзал услубда мунозара қилинг!» (Наҳл сураси 125-оят) деган хитобига амал қилган ҳолда, Исломи маърифатини тарқатишда янада собитқадам бўлиб, берилган имкониятлардан тўла фойдаланинг, — деди У.Алимов.

Талбир давомида Дин ишлари бўйича қўмита раиси Ортинбек Юсупов ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги раҳбари Лазиз Тангриевлар сўзга чиқиб, танловнинг бугунги кундаги аҳамияти ва ижодкорларни рағбатлантиришнинг фойдали жиҳатлари ҳақида гапирдилар.

Шундан сўнг, телевидение, радио, матбуот, интернет ва тарғибот-ташвиқот йўналишларида энг яхши деб топилган ижодий ишларнинг муаллифлари 1, 2 ва 3-ўринлар бўйича ғолиб деб топилиб, махсус диплом ва ташкилотчиларнинг совғалари билан мукофотланди.

**Ўзбекистон  
мусулмонлари идораси  
Матбуот хизмати**



**Тошкент вилояти Бекобод туман  
“Ватанпарвар” ўқув спорт  
техника клуби  
ташкилоти жамоаси**

**14 январь — Ватан ҳимоячилари  
куну билан қурбалаб кучаар  
сафова йўғотади бурчони  
ўтаётган мард ва жасур  
ўғонларимизни табриқлайди.  
Уларга оилавий тинчлик-  
хотиржамлик,  
сўғайиб-саломаталик  
тўлаб қўлайди.**

**Улуғлар сабоғи  
Ҳалол луқма**

Ривоят қилишларича, машҳур аллома Абдуллоҳ ибн Муборак ҳазратларининг оталари асл бобон бўлган эканлар. Ҳали уйланмаган, йигитлик чоғларида вазият тақозоси билан у киши ўз замонасининг қозиларидан бирининг ҳовлисида бобонлик қилиш вазифасини олибди. Орадан ойлар ўтибди. Ибн Муборак хўжайини зиммасига юклаган вазифани сиққидилдан бажариб юрaverибди.

Кунлардан бир кун хўжайин гуркираб турган боғни айланиб, олтиндай товланиб турган узумлардан бир шингилни завқланиб қўлига олиб ея бошлабди. Бунни қарангки, узум ниҳоятда нордон экан. Хўжайиннинг жаҳли чиқибди.

— Сен қанақа бобонсан, ўзи?! — дебди Ибн Муборакка тикилиб. — Сен етиштирган узумни еб бўлмайдикун!

— Тақсир, — дебди Ибн Муборак ерга қараб. — Ростки, мен бу узумларнинг ширин ёки нордонлигини билмайман. Чунки бирон донасини ҳам еб кўрганам йўқ.

— Бу қанақаси, нега ўзинг етиштирган узумни еб кўрмадинг? — дебди хўжайин ажабланиб.

— Ҳазрат, бу боғлар сизники, сиз уни менга ейиш учун эмас, уларга қараб туриш учун омонат қилиб бергансиз. Шунинг учун мен уларни фақат парварши қилдим. Шу ерда қанча вақтдан бери меҳнат қилаётган бўлсам, бир дон ҳам узум олиб овозима солганим йўқ.

Хўжайин Ибн Муборакнинг гапларини эшитиб, мутаассир бўлибди. Уни шу қадар яхши кўриб қолибдики, натижада кўзининг оқу қораси бўлган ягона қизини Ибн Муборакка никоҳлаб берибди.

Ушбу муборак никоҳдан сўнг орадан бир ойча вақт ўтиб, Ибн Муборакнинг аёли

онасига ҳожасидан шикоят қилибди. Унинг айтишича, Ибн Муборак унга мутлақо бепарво экан. Ҳатто, улар шу пайтгача бирор марта бир ёстққча бош кўймаган эмиш.

Бу гапни эшитган қози Ибн Муборакнинг хатти-ҳаракатидан ниҳоятда газабланибди.

— Нима, бу ишинг бизни писанд қилмаганингми? — дебди.

— Отажон, сиз менин бу ишимдан хафа бўлманг, — дебди Ибн Муборак хотиржам оҳангда. — Сиз инсонларнинг ҳақларини ажрим қилиб берадиган масъулиятли бир вазифадасиз. Шу ишингиз ортидан бола-чақангизга луқма едирасиз. Лекин сиз вазифани қай даражада одилона бажаришингизни мен билмайман. Шундай экан, қизингиз ҳам мен билмаган ана шу ишлар ортидан келаётган луқмадан еганлар. Яна уч кундан кейин бизнинг никоҳимизга ропта-роса қирқ кун бўлади. Қирқ кундирки, қизингизни мен пешона терим билан топган ном билан боқаяпман. Умидим шулки, қирқ кундан кейин қизингизнинг ҳалқуми тозаланибга шубҳам қолмайди. Ундан кейин биз эр-хотин бўлсак, шояд, ҳалол луқмадан дунёга келган фарзандларимиз дунё ва охиратда бизга обрў олиб берадиган зурриётлардан бўлса!

Кўёвининг гапини эшитган қайнона яна бир марта Ибн Муборакнинг иброки ва итоатига қойил қолган экан. Не бахтки, тақво устига қурилган ана шу никоҳдан Абдуллоҳ ибн Муборакдай улуғ зот дунёга келганлар.

Юсуф Товаслининг “Ҳикматлар хазинаси” (“Адабиёт учкунлари” нашриёти, Тошкент, 2015 йил) II китобидан олинди.